



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги 2021 йил " 16 " Июлда ги
311 -сон буйруғининг 5-илбваси

**Олий таълим соҳалари Давлат таълим стандартларини халқаро
стандартлар асосида ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби**

№	Ф.И.Ш.	Иш жойи ва лавозими
1.	Ниязбеков Саидмурад Саидрасулович – ишчи гуруҳ раиси	Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси бошлиғи
2.	Ходжаев Аббос Агзамович – аъзо	Олий таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурларини жорий этиш бўлими бошлиғи
3.	Арипджанов Мадамиджан Марипович – аъзо	Олий таълим муассасаларининг ўқув- методик фаолиятини бошқариш бўлими бошлиғи
4.	Зайниддинов Воҳидхон Воситович – аъзо	Олий таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурларини жорий этиш бўлими бош мутахассиси
5.	Эсанов Музаффар Хошимович – аъзо	Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни таتبик этиш маркази в.в.б. директори
6.	Зарипов Лочин Рустамович – аъзо	Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни таتبик этиш маркази бош мутахассиси
7.	Зарипов Орифжон Олимович – аъзо	ТДТУ, Ўқув ишлари бўйича проректори
8.	Рахмонкулова Наргиза Хожиакбаровна – аъзо	ТДПУ, Ўқув ишлари бўйича проректори
9.	Тошматов Шухрат Амонович – аъзо	ЎзМУ, Ўқув ишлари бўйича проректори
10.	Гуламов Абдулазиз Абдуллаевич – аъзо	ТДТрУ, Ўқув ишлар бўйича проректори
11.	Рустамбеков Исламбек Рустамбекович – аъзо	ТДЮУ, Ўқув ишлар бўйича проректори
12.	Туйчиев Алишер Жураевич – аъзо	ТМИ, Ўқув ишлар бўйича проректори
13.	Исламов Соҳиб Яхшибекович – аъзо	ТДАУ, Ўқув ишлари бўйича проректори
14.	Исмаилов Рихсилло Хамидович – аъзо	ЎзДСМИ, Ўқув ишлар бўйича проректори

15.	Эшов Мансур Пулатович – аъзо	ТДИУ, Ўқув ишлар бўйича проректори
16.	Садуллаева Шахло Азимбаевна – аъзо	ТАТУ, Ўқув ишлар бўйича проректори
17.	Мирисаев Абдулло Улмасович – аъзо	ТАКИ, Ўқув ишлар бўйича проректори
18.	Сафаров Тойир Турсунович – аъзо	ТКТИ, Ўқув ишлар бўйича проректори
19.	Элмурадов Абдугани Актамович – аъзо	СамВМИ, Ўқув ишлар бўйича проректори
20.	Боймурадов Шухрат Абдужалилович – аъзо	ТГА, Ўқув ишлар бўйича проректори
21.	Мирзаев Кулмадат Джанзакович – аъзо	СамИСИ, Ўқув ишлар бўйича проректори



ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ВА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА МАЛАКА ТАЛАБЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

Олий таълим йўналиши ва мутахассислиги бўйича Малака талаблари “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қондалар”га мувофик, кадрлар буюртмачиларининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади. Бу борада қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

1. **Зарварақ** (титул варағи)да Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги номи, ўрта қисмида таълим йўналиши ёки мутахассислик номи кўрсатилади;

2. Зарварақ **сиртида** Малака талаблари ким томонидан ишлаб чиқилгани ва киритилганлиги, ким толмондан тасдиқлангани ва жорий этилгани ҳамда ҳужжат мақоми кўрсатилади;

3. **Мундарижада** Малака талабларининг асосий боблари кўрсатилади;

4. **Таълим йўналиши ёки мутахассислигининг умумий тавсифи** бобида Малака талабининг қўлланиш соҳаси, асосий фойдаланувчилари, касбий фаолиятларининг тавсифи, бакалавр ёки магистр касбий фаолиятининг соҳалари, объектлари, турлари ҳамда касбий вазифалари келтирилади;

5. **Таълим йўналишлари бўйича бакалаврнинг ёки мутахассислиги бўйича магистрнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар** бобида бакалаврият ёки магистратура битирувчиси эга бўлиши зарур бўлган умумий компетенциялар ҳамда касбий компетенциялар аниқ кўрсатилади;

6. **Библиографик маълумотлар** белгиланган тартибда келтирилади;

Келишув варағида Малака талабини ишлаб чиққан таянч олий таълим муассасаси ректори имзоси ҳамда уни келишув жараёнидан ўтказган олий таълим муассасалари ва ташкилотлар раҳбарларининг имзолари қўйилади.

7. Малака талаблари А-4 форматли стандарт варақларининг “китоб” кўринишида икки тарафига “Times New Roman” шрифтининг макбул ўлчамида бостириб чиқарилади;

8. Малака талаблари таълим йўналишлари бўйича таянч олий таълим муассасалари томонидан кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи корхона, ташкилот ва муассасалар билан биргаликда тайёрланади, Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамасидан ўтказилади ҳамда

ушбу кенгаш ижобий ҳулосаси олингач Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади;

9. Тасдиқланган Малака талаблари белгиланган тартибда икки нусхада расмийлаштирилади, уларнинг бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказида эталон сифатида, бир нусхаси тегишли таянч олий таълим муассасасида сақланади ва ундан нускалар кўчирилиб талабномалар асосида бошқа олий таълим муассасаларига тарқатилади.

Мисол сифатида 60411200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ва 70310401 – Иқтисодий ҳавфсизлик магистратура мутахассислигининг Малака талаблари илова қилинади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

60411200- Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият
таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 202_ йил «__» _____ даги ____ - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 202_ йил «__» _____ даги ____ - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қондалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>60411200-Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)</i> бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	<i>60411200– Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)</i> таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>60411200- Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1.	<i>60411200– Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2.	<i>60411200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3.	<i>60411200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	<i>60411200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	<i>60411200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	6
	Библиографик маълумотлар.....	7
	Керншув варағи	8

1. 60411200- Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи

60411200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва кечки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60411200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.

Малака талаби **60411200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва ўқув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60411200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60411200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.

60411200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) – “Бизнес ва менежмент” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, у давлат, акционерлик ва хусусий компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари, иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларини бошқариш, уларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истикболларини белгилаш бўйича иқтисодий, ташкилий масалалар ечимларини менежментнинг ривожланиш қонуниятлари ва замонавий концепциялари асосида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ комплекс масалалар билан боғлиқ касбий соҳалар мажмуасини камраб олади.

1.2.2. 60411200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:

- давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар, компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар;

- иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларида ташкилот, корхона ва муассасалар самарадорлиғи ва натижадорлигини ошириш жараёнлари;

- бошқарувда вазиятли ва тизимли ёндошув тамойилларини татбиқ этиш, давлат ва

маҳаллий бошқарув қарорларини амалга ошириш жараёналари;

- ташкилот ва корхоналарда замонавий бошқарув тизимини ташкил этиш, ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, бошқарув самарадорлигини ошириш, меҳнатни рағбатлантириш жараёналари.

60411200 – *Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврият битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумқасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бакалавриятнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

1.2.3. 60411200 – *Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- ташкилий-бошқарув;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш;
- ахборот-таҳлилий фаолият;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- тадбиркорлик.

1.2.4. 60411200 – *Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60411200 – *Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)* таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;
- ташкилот ва корхоналар фаолиятини стратегик ривожлантиришда замонавий иқтисодий билимларни қўллаш орқали бошқариш;
- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;
- бирламчи ишлаб чиқарувчи бўғин ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга тадбиқ этиш, ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;
- корхоналар ташкилий-бошқарув фаолиятида қабул қилинадиган қарорларни ижтимоий-иқтисодий самарадорлик мезонлари асосида ишлаб чиқишда ҳамда қарорларни муқобил вариантини танлаб олишни асослашда иштирок этиш;
- замонавий ахборот технологиялардан бошқарувда фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёналари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш.
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарига инвестицияларни жалб қилиш механизмларини қўллаш, инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бошқариш.

Ахборот-таҳлилий фаолиятида:

- бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ташкилотнинг ташқи ва ички муҳити омиллари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

- қарор қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, ташкилотнинг ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш;
- ташкилотнинг ички ҳужжат айланиши тизимини ишлаб чиқиш ва бошқариш, ташкилотлар фаолиятининг турли кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини юритиш;
- лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш;
- ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш;
- бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолаш.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқот институтлари ва марказларда тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқариш усуллари бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;
- хўжалик юритувчи субъектларни замонавий бошқариш тизимини таъминлашга бағишланган мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш ва тизимлаштириш;
- тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқариш тизимини таъминлаш борасидаги муаммолар мавзулар бўйича иктисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда кидириш ва топиш;
- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиш.

Тадбиркорлик фаолиятида:

- янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;
- бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

2. 60411200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;
- музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;
- корпоратив ахборот тизимларини, молиявий-иктисодий таҳлил ва молиявий

ҳисоботларни тайёрлашни, маълумотлар базасини юритишни билиш;

- стратегик ва операцион бошқарув вазифаларини, ишни ташкил қилиш, бошқаришнинг замонавий технологияларини, ходимлар жамоасига етакчилик қилишни билиш;

- стратегик таҳлил қилиш, ракобатдошликни таъминлашга қаратилган ташкилот стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

- активларни баҳолаш, айланма маблағларни бошқариш, дивиденд сиёсати ва капитал тузилмасини шакллантиришда молиявий бошқарувнинг асосий усулларини қўллаш билиш;

- лойиҳалар, бизнес-режалар ва шартномаларни шакллантириш ҳамда бошқариш, ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- макроиктисодий муҳитни, бозор ва унга хос хатарларни, ракобат муҳитини таҳлил қилиш ва баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;

- бошқарув қарорларини қабул қилишда, уларни аниқ бошқарув вазифаларига мослаштириш орқали иқтисодий, молиявий ва ташкилий-бошқарув моделларини шакллантиришда миқдорий ва сифатли таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиш;

- бухгалтерия сиёсати ва ташкилотнинг молиявий ҳисоботларини шакллантиришда молиявий бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари ва стандартларини, бошқарув ҳисоби маълумотлари асосида харажатларни бошқариш ва қарорларни қабул қилиш уқувига эга бўлиш;

- бизнес жараёнларини моделлаштириш, бизнес юритишнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларини баҳолаш, янги бозор имкониятларини аниқлаш ва янги бизнес моделларини шакллантиришни билиш;

- янги ташкилотларни (фаолият йўналишлари, маҳсулотлари) яратиш ва ривожлантириш учун бизнес режалаштириш кўникмаларига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва ўқув дастурлари, профиль, уқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври менежмент, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат иқтисодийёт университети

Ректор _____ **К. Шарипов**

202_ йил « ____ » _____

М.Ў.

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б. _____ **М. Эсонов**

202_ йил « ____ » _____

М.Ў.

Тошкент молия институти

Ректор _____ **Т. Тешабоев**

202_ йил « ____ » _____

М.Ў.

Ўзбекистон Миллий университети

Ректор _____ **И. Маджидов**

202_ йил « ____ » _____

М.Ў.

“AGRO KIMYO STANDART” МЧЖ
директори

_____ **Н. Собиров**

202_ йил « ____ » _____

М.Ў.

“Avangard stroy” МЧЖ директори

_____ **С. Розиков**

202_ йил « ____ » _____

М.Ў.

“Shamteks” ХК директори

_____ **Ш. Қосимов**

202_ йил « ____ » _____

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

70310401– Иқтисодий ҳавфсизлик магистратура
мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат иқтисодиёт университети;
- Тошкент давлат юридик университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 202_ йил «__» _____ даги ____ - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 202_ йил «__» _____ даги ____ - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 70310401 – <i>Иқтисодий хавфсизлик</i> магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1. 70310401– <i>Иқтисодий хавфсизлик</i> магистратура мутахассислиги малака талабларининг қўлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 70310401 – <i>Иқтисодий хавфсизлик</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари таснифи	4
1.2.1. 70310401 – <i>Иқтисодий хавфсизлик</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....	4
1.2.2. 70310401 – <i>Иқтисодий хавфсизлик</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3. 70310401 – <i>Иқтисодий хавфсизлик</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 70310401– <i>Иқтисодий хавфсизлик</i> мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 70310401– <i>Иқтисодий хавфсизлик</i> таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
Библиографик маълумотлар.....	8
Келишув варағи	9

1. 70310401 – Иқтисодий хавфсизлик магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

70310401–Иқтисодий хавфсизлик магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 70310401–Иқтисодий хавфсизлик магистратура мутахассислиги малака талабларининг қўлланилиши.

Малака талаби *70310401 – Иқтисодий хавфсизлик* магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилash, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

• магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва ўқув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

• магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

• таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

• олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

• олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

• кадрлар бузортмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

• олий таълим ташкилотларига ўқишга қираётган бакалавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 70310401 – Иқтисодий хавфсизлик мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 70310401 – Иқтисодий хавфсизлик мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.

70310401 – Иқтисодий хавфсизлик – “Ижтимоий ва хулқ атворга мансуб фанлар” таълим соҳасига оид мутахассислик бўлиб, у барча таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, марказлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларда илмий тадқиқот фаолиятини юритиш, турли мулкчилик шаклидаги корхоналарида, нодавлат ва нотижорат ташкилотларида, марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви органларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида иқтисодий хавфсизлик фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришга оид комплекс масалаларни хал этиш, шунингдек иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, истикболни белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини камраб олади.

1.2.2. 70310401 – Иқтисодий хавфсизлик мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;

- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлари;

- реал сектор корхоналарининг ривожланиши стратегиясини ифодаловчи иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлар тизими;

- давлат ва шахс ҳамда хўжалик фаолияти субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодиёт соҳасидаги ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни таъминлаш жараёнлари;

- давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, иқтисодиёт ва молия бошқаруви органларида, мудофаа ва хавфсизлик органларида бошқарув жараёнлари;

- иқтисодиёт тармоқлари, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуалари, турли мулкчилик шаклидаги ассоциялар, коопорациялар, концернлар, фирма, компаниялар, холдинг, ишлаб чиқариш бирлашмаларида иқтисодий хавфсизлик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари;

- иқтисодий хавфсизлик соҳасида илмий ва амалий тадқиқот, назарий ва амалий таҳлил, моделлаштиришни амалга ошириш жараёнлари;

- ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни, микро ва макро иқтисодий маконда иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичларининг таҳлили жараёнлари.

1.2.3. 70310401 – Иқтисодий хавфсизлик мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий тадқиқот фаолияти;

- педагогик фаолият;

- молиявий-иқтисодий фаолият;

- ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолияти;

- ҳуқуқ-тартибот фаолияти;

- мудофаа ва хавфсизлик фаолияти;

- ташкилий-бошқарув фаолияти;

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти.

1.2.4. 70310401–Иқтисодий хавфсизлик мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

70310401–Иқтисодий хавфсизлик мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиш;

- илмий мақолалар, маърузалар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;

- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;

- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;

- ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;

- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуаларни мукаммал ўзлаштириш;

- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

Молиявий-иқтисодий ҳамда ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:

- давлат, маҳаллий ҳукумат ва хўжалик юритувчи субъектлар молиясини хавфсиз бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;

- иқтисодий хавфсизликнинг миқдор ва сифат меъзонлари иқтисодий тизим ва объектлар чегаравий ҳамда критик ҳолатининг индикаторларини аниқлаш;

- иқтисодий хавфсизлик соҳасида ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш;

- иқтисодиёт субъектларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўллариини ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистондаги ҳамда хориждаги микро ва макродаражада содир бўладиган, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳамда ҳодисаларни характерлайдиган кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва киёслаш, иқтисодий хавфсизликка таҳдид солувчи хавф-хатарларни аниқлаш;

- лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, тармоқлар ва соҳалар бўйича молиявий ва статистик ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш;

- бюджет тизими ва бюджет параметрлари, бюджетдан ташқари турли жамғармаларнинг шаклланиши ҳамда бажарилишини назорат қилиш, давлат ва маҳаллий ресурслардан фойдаланиш борасида қонунбузарликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

- молия операциялари, молия бозори фаолияти мониторингини олиб бориш, давлат ва маҳаллий ташкилотлар, корхоналарда ички назорат ва аудит тизимининг самарали фаолият кўрсатишини баҳолаш, қонунбузарликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш.

Ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизлик фаолиятида:

- қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, жамият, давлат ва шахс ҳамда хўжалик фаолияти субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, турли мулк шакллариини ҳимоя қилиш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш;

- иқтисодий вазиятларга таҳдид солувчи омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

- иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар ва қонунбузарликларни профилактика қилиш, огоҳлантириш, аниқлаш ва очиш.

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;

- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

- хўжалик юритувчи субъект иқтисодий хавфсизлик фаолиятини режалаштириш, ҳисоб-китоб ва таҳлил қилиш бўйича услубий кўрсатмалар, ҳуқуқий ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;

- режа, ҳисоб-китоб ҳужжатларини юритиш, янги техника ва технологияларни жорий этиш, иқтисодий хавфсизлик соҳасида рационализаторлик тақлифлар ва ихтиролар

бўйича иктисодий самарадорликни аниқлаш;

- қабул қилинадиган қарорларни иктисодий хавфсизлик, ижтимоий-иктисодий самарадорлик мезонлари асосида уларни хавф-хатар ва оқибатларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув қарорлари вариантларини ишлаб чиқишда ҳамда танлаб олишни асослашда иштирок этиш;

- шартномаларни тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўплаш, тезкор ва статистик ҳисоботни олиб боришни ташкил этиш, ҳисоботларни тузиш тартибларини аниқлаш;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарнинг товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳамда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш иктисодий хавфсизлигини режалаштириш ва амалга ошириш;

- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш иктисодий хавфсизликни таъминлаш, бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича хавфсиз математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш.

2. 70310401–Иқтисодий хавфсизлик таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- давлат, нодавлат ва ношароит ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;

- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлимлар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш кўникмаларига эга бўлиши;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда иқтисодий хавфсизлик тамойилларини қўллаб билиши;

- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича хавфсиз математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказишни ва таҳлилий ишларни бажаришни билиши;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича молиявий, иқтисодий, стратегик режаларни ишлаб чиқиш, иқтисодий хавфсизлик соҳасида ечилаётган илмий муаммоларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишни билиш;

- лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;

- иқтисодий вазиятларга таҳдид солувчи омилларни баргараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш малакасига эга бўлиш;

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни иқтисодий экспертизадан ўтказишни билиш.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва ўқув дастури (магистратура дастури), профиль, ўқув даври, таълим технологиялари, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, таваккалчилик, рақобат, рақобатбардошлик, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари, баҳолаш, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, давлат аттестацияси, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, иқтисодий хавфсизлик, экспертиза, ҳуқуқ-тартибот, муҳофаза, хавфсизлик, иқтисодий таҳдид, эксперт хизмати, иқтисодий жиноят, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни, махсус фанларни ўқитиш методикаси, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, илмий тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат иқтисодийёт университети

Ректор _____ К.А. Шарипов

202_ йил « ____ » _____

М.Ў.

Тошкент давлат юридик университети

Ректор _____

202_ йил « ____ » _____

М.Ў.

КЕЛИШИЛДИ:

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази**

Директор _____ М. Эсонов

202_ йил « ____ » _____

М.Ў.

Тошкент молия институти

Ректор _____ Т. Тешабоев

202_ йил « ____ » _____

М.Ў.

**ТДИУ хузуридаги “Ўзбекистон
иқтисодийётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари” илмий
тадқиқот маркази**

Директор _____ Д.К. Ахмедов

202_ йил « ____ » _____

М.Ў.

**Инвестициялар бўйича Тошкент шаҳар
бош бошқармаси**

Бошлик _____ Х.Файзуллахўжаев

202_ йил « ____ » _____

М.Ў.

Кадрлар буюртмачилари

Кадрлар буюртмачилари